

Касбий байрам муносабати билан

Ҳозирги кунда жамиятимизда ҳар қандай соҳа вакили эътибордан четда қолаётгани йўқ десак, адашмаган бўламиз, менимча. Бунинг исботини эса чиқарилаётган қонун ва қарорлардан яққол кўришимиз мумкин. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан декабрь ойининг иккинчи якшанбаси “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни” этиб белгиланди. Айти пайтда қишлоқ хўжалиги ходимлари бу кунни катта шодиёна билан нишонлашмоқда. Бизнинг институтимизни ҳам байрам қувончи четлаб ўтгани йўқ.

2019 йилнинг 10 декабрь санасида институтимизда Ўзбекистон Республикаси касаба уюшма Федерацияси Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ташаббуси билан “Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни” кўтаринки руҳда нишонланди. Тадбирни ўзининг ажойиб табрик сўзлари билан институтимиз матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов олиб бордилар.



Байрам тадбири билан кечамизни очиб бериш учун сўз навбатини Институт ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Чориев Рўзимурат Кунгратовичга берилди. Самимий тилаклардан сўнг иккинчи табрик Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Байниязов Эркин Бозоровичга берилди. Тадбир давомида қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп йиллардан бери хизмат қилиб келаётган ходимлар муносиб тақдирландилар. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, айнан бизнинг институтимизда кўп йиллардан бери талаба-ёшларга билим бериб келаётган қуйидаги профессор-ўқитувчилар ҳам байрам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси касаба уюшма Федерацияси томонидан ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар: Марупов Исажон Марупович, Шавазов Қодиржон Очилович, Алиқулов Сайдулла, Хафизова Зулфия Холмуратовна, Ли Афанасий Семёнович, Ҳасанов Бахриддин Баратович, Арифжанов Айбек Мухамеджанович, Назаралиев Дилшод Валижонович, Денмухаммадиев Актам Мавлонович, Газиёва Рано Тешабаевна, Сангирова Умида Равшановналарни муборакбод этамиз!



Институт КУҚ йўриқчиси У.Манзирбоев ахбороти

Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов